

“Микрокредитбанк” АТБ
Бошқарувининг
2023 йил “20 январ” даги
3-2 - сонли қарори билан
“ТАСДИҚЛАНГАН”



Бошқарув раиси
О.А. Бутаев
(қўйхат рақами II-35/43-1
2023 йил “20 январ”)

**“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки
мижозларини сегментларга ажратиш бўйича йўриқномага
киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар**

Тошкент шаҳри
2023 йил



**“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки
мижозларини сегментларга ажратиш бўйича йўриқномага
киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар**

1. 4 – банди:

ўн биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“бўлим – банкнинг барча амалиётлари бўйича жисмоний шахс / юридик шахс бўлган мижозларига хизмат кўрсатувчи Банк филиаллари / амалиёт бўлимлари / БХО / БХМнинг тегишли таркибий бўлими”;

ўн тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“КБД масъул ходими - Банк АБАТ тизимида жисмоний шахс мижоз / юридик шахс мижоз мижозларнинг “Мижозларни сегментациялаш коди”га ўзгартиришлар киритиш учун масъул бўлган Кичик бизнес департаменти ходими”;

ўн бешинчи хат боши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“мижозлар базасини ўзгартириш - жисмоний шахс мижоз / юридик шахс мижоз сегментация кодларини ўзгартириш режали тарзда ҳар олти ойда бир марта, кейинги ойнинг биринчи декадасида амалга оширилади”;

ўн олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

2. 6.1-бандида:

а-банди тўртинчи ва б-банди иккинчи хатбошларидан кейин қуйидаги таҳрирдаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“жалб қилинган кредит линияларидан фойдаланувчи ва мазкур йўриқнома талабларига мос келувчи мижозлар”.

б-банди учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“сегментация санасига мижознинг банклар олдидаги барча қарзлари суммаси 5 млрд. сўмдан 10 млрд.сўмгача мижозлар ва ўзаро алоқадор мижозлар гуруҳи”.

3. 6.2-бандида:

а ва б - бандлари учинчи хатбошларидан кейин қуйидаги таҳрирда хатбоши билан тўлдирилсин:

“жалб қилинган кредит линияларидан фойдаланувчи ва мазкур йўриқнома талабларига мос келувчи мижозлар”.

б-банди учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“сегментация санасига мижознинг банклар олдидаги барча қарзлари суммаси **1 млрд.сўмдан 5 млрд. сўмгача** мижозлар ва ўзаро алоқадор мижозлар гуруҳи”.

4. 13-банднинг б, д – кичик бандларидаги ҳамда 14-банднинг биринчи, иккинчи хатбошларидаги “тармоқ” сўзи “тегишли таркибий бўлинма” сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Йўриқноманинг 3-илоvasи “Юридик шахслар сегмент кодининг 2 – рақами” иловага мувофиқ таҳрирда баён этилсин.



“Микрокредитбанк” АТБ
мижозларини сегментларга
ажратиш бўйича
йўриқномага киритилаётган
қўшимча ва ўзгартиришларга
Илова

“Микрокредитбанк” АТБ
 мижозларини сегментларга
 ажратиш бўйича йўриқномага
3-илова

Юридик шахслар сегмент коднинг 2 – рақами

Субсегмент	Сегмент коди	Аниқлаш мезони	
		Йиллик тушум миқдори (ҳисобварағи айланмаси)	банклар олдидаги барча қарзлари суммаси
Корпоратив бизнес	11xxxx	15 млрд.сўм ва ундан ортиқ	10 млрд.сўм ва ундан юқори
Ўрта бизнес	12xxxx	5 млрд. сўмдан 15 млрд. сўмгача	5 млрд. сўмдан 10 млрд. сўмгача
Кичик бизнес	21xxxx	1 млрд. сўмдан 5 млрд. сўмга	1 млрд. сўмдан 5 млрд. сўмгача*
Микро бизнес	22xxxx	1 млрд. сўм ва ундан кам	1 млрд. сўм ва ундан кам

* 5 млрд. сўм микро ва кичик бизнес (кичик бизнес субсегменти) сегментида тегишли ҳисобланади.

